



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

20 17 yil "10" 10

№ 618

Toshkent sh.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги раҳбар ходимларни “Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш” бўйича малака ошириш циклларида ўқитиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 августдаги “Соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳудудий тиббиёт муассасаларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, республика ҳудудларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш ва сифатини ошириш масалалари тўғрисида”ги мажлисининг 01/14-06-8-сонли баёни ижросини таъминлаш ҳамда раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг профессионал билимлари ва амалий кўникмаларини янгилаш мақсадида **буюраман:**

1. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Х.А.Акилов):

раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш мазкур буйруқнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган 46 соатлик қисқа муддатли “Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш” цикл ўқув дастурига биноан ўтказилишини;

“Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш” бўйича 46 соатлик қисқа муддатли цикллари (бундан буён-цикл) жорий йилнинг ноябр ойидан бошлаб 2-иловага мувофиқ жадвал асосида ўтказилишини таъминласин.

Бунда қайд этилган цикллار ўтказилиши муносабати билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг тиббиёт муассасалари раҳбар ходимлари малакасини ошириш бўйича режасига тегишли ўзгартиришлар киритиб, бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири,

007712 ❁

вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармалари бошлиқларига белгиланган тартибда маълумот берилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, барча вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари:

икки ҳафта муддатда цикл қатнашувчилари рўйхатини белгиланган тартибда тасдиқлаб, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига тақдим этсин;

республика даволаш-профилактика муассасаларидан худудларга раҳбар лавозимларга юборилган ходимлари, шаҳар/туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари ҳамда бош ҳамшираларининг циклларда иштирокини таъминласин.

3. Сайёр циклларни ўтказишга жалб этилган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари билан боғлиқ харажатлари асосий иш жойидан қопланиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Юсупалиев зиммасига юклатилсин.

В а з и р



А. Шадманов

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2017 йил “19” 10 даги
6/8 -сонли буйруғига 1 илова

46 соатлик қисқа муддатли “Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш” цикл ўқув дастури

Дарс (с)	Дарс тури	Мавзунинг номи
2	Кириш дарси	Курсантларни рўйхатга олиш. Циклнинг очилиши. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш миллий модели тузилмасининг асослари
2	Маъруза	“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури, 2017-2021 йй. Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари
2	Маъруза	Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлаш. Жамият саломатлиги ва тиббий ёрдам. Ўзбекистонда жамият саломатлигини муҳофаза қилишнинг асосий муаммолари ва уларни бартараф этиш чора тадбирлари.
2	Маъруза	Соғлиқни сақлашда менежмент асослари.
2	Маъруза	Ўзбекистон: аҳолини саломатлик даражаси хақида умумий маълумот. Мамлакат ресурслари, маъмурий бўлиниши. Демографик кўрсаткичлар.
2	Маъруза	Эпидемиология ва жамият саломатлигини ўрганиш усуллари.
2	Маъруза	Тиббий статистика: асослари, усуллари. Тиббий статистика хизмати.
2	Маъруза	Соғлиқни сақлаш муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва назорат қилиш
2	Маъруза	Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари раҳбарлари фаолиятини ташкиллаштиришда зарур бўлган назарий ва амалий кўникмалар.
2	Маъруза	Соғлиқни сақлашда иқтисодиёт ва молиялаштириш масалалари
2	Маъруза	Соғлиқни сақлаш тизимида юридик хизмат таъминлари.
2	Маъруза	Соғлиқни сақлаш тизимида ижро интизоми ва ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш.
2	Маъруза	Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг миллий моделини шакллантириш. Инсон тараққиёти, унга таъсир қилувчи омиллар. Инсон тараққиётида аҳоли саломатлик даражасининг тутган ўрни. Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган тадбирлар.

Дарс (с)	Дарс тури	Мавзунинг номи
2	Маъруза	Тиббий ёрдам сифати ва уни такомиллаштиришда далилларга асосланган тиббиётнинг ўрни.
2	Маъруза	Ўзбекистонда тиббий туризмнинг ўзига хос хусусиятлари.
2	Маъруза	Соғлиқни сақлаш муассасаларида маблағлар ҳаракати, молиялаштириш, инвентарлаш ҳисоби.
2	Маъруза	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сонли қарори “Тиббиёт ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш”.
2	Маъруза	Қишлоқ врачлик пункти, қишлоқ оилавий поликлиникаси, оилавий поликлиниканинг таркибий тузилмалари, уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тамойиллари.
2	Маъруза	Демография кўрсаткичларини баҳолаш ва таҳлил қилиш услуги: статик ва механик ҳаракат.
2	Маъруза	Соғлиқни сақлаш тизимида ҳамширалик ишини ташкиллаштириш тамойиллари.
2	Маъруза	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йилнинг 5 январ, 7 февраль ва 6 июль кунларида ўтказилган соғлиқни сақлаш тизими ислохотларини янада чуқурлаштиришга бағишланган мажлислар баёнлари.
2	Маъруза	Касалланишни баҳолаш ва таҳлил қилиш услуги: касалланиш кўрсаткичларини ўрганиш манбалари ва услублари.
2		Яқуний имтиҳон Цикл якуни Сертификат топшириш

Вилоят даражасидаги тиббиёт муассасаларидан туманларга юборилган раҳбар ходимларни, республика даражасидаги тиббиёт муассасаларидан ҳудудларга юборилган раҳбар ходимларни, бош хамшираларни 46 соатлик қисқа мuddатли “Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш” циклда сайёр малака ошириш жадвали

Сана	Малака ошириш ўтказилган ҳудуд	Малака оширишга жалб қилинадиган ҳудудлар	ВДМТЮРХ*		РДМВЮРХ**		БХ***		Тингловчилар умумий сони
			Тингловчилар сони	Жамитингловчилар сони	Тингловчилар сони	Жамитингловчилар сони	Тингловчилар сони	Жамитингловчилар сони	
06.11. - 11.11.	Андижон шаҳри	Андижон вилояти	17	48	11	33	17	48	129
		Фарғона вилояти	19		11		19		
		Наманган вилояти	12		11		12		
13.11. - 18.11.	Нукус шаҳри	Қорақалпоғистон Республикаси	15	27	10	20	15	27	74
		Хоразм вилояти	12		10		12		
20.11. - 25.11.	Бухоро шаҳри	Бухоро вилояти	13	23	11	22	13	23	68
		Навоий вилояти	10		11		10		
27.11. - 02.12.	Самарқанд шаҳри	Самарқанд вилояти	15	39	8	29	15	39	107
		Жиззах вилояти	13		11		13		
		Сирдарё вилояти	11		10		11		
04.12. - 09.12.	Қарши шаҳри	Қашқадарё вилояти	15	29	12	23	15	29	81
		Сурхондарё вилояти	14		11		14		
11.12. - 16.12.	Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти	17	17	9	9	17	17	43
				183		136		183	502

Изоҳ: *- ВДМЮТРХ - вилоят даражасидаги тиббиёт муассасаларидан туманларга юборилган раҳбар ходимлар,

** - РДМВЮРХ - республика даражасидаги тиббиёт муассасаларидан ҳудудларга юборилган раҳбар ходимлар,

*** - БХ - бош хамширалар